

«Агар, -дейди Бородин С.В. , - рашк туйфуси аста-секин ривожланиб борган бўлса, рашк оқибатида одам ўлдиришни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган деб баҳо бериш мумкин эмас» [7]. Ҳақиқатан ҳам, вужудга келган аффект ҳолатидаги қасд дарҳол ёки пайдо бўлган қасд билан унинг амалга оширилиши орасида вақт бўйича узилиш бўлмаган ҳолда амалга оширилиши керак.

Юқорида кучли руҳий ҳаяжонланиши вужудга келтирувчи моддий зарарлар (жисмоний зўрлик ва бошқалар) ҳақида сўз юритилди. Бироқ нафақат моддий зарар, балки маънавий зарар ҳам шахсада кучли руҳий ҳаяжонланиш уйғотиши мумкин. Масалан, ўртада келишмовчилик бўлганлиги сабабли М. қўшниси С. никига кириб, унинг бисотидаги вафот этган онасининг ягона суратини ёқиб юборади. Буни кўриб қолган С.да кучли руҳий ҳаяжонланиш вужудга келиб М.ни ўлдириб қўяди. Жабрланувчининг шу ҳаракатининг ўзигина айборда аффект ҳолатининг вужудга келиши учун асос бўла олади.

Шундай ҳолат ҳам мавжудки, яъни одам ўлдириш аффект ҳолатида содир этилган бўлса ҳам, айборнинг қилмиши «кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида қасдан одам ўлдириш» моддаси билан квалификация қилинмайди. Ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ички ишлар бўлимига етказиб бериш мақсадида ушлаш чоғида, ушланиши лозим бўлган шахс ушловчими физиологик аффект ҳолатида ўлдириб қўйиши [8] юқоридаги фикримизга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, аффект ҳолатида жиноят содир этганлик учун шахс, агар бунга асослар мавжуд бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади.

#### АДАБИЁТЛАР

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. –Т.: 1997. 136-б.; [2]. Тохиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили. –Т.: 2001. 38-б.; [3]. Ваулина Т.И., Волостнов П.А. ва б. Уголовное право. Особенная часть. –М.: «Норма». 1998. 44-б.; [4]. Тохиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили. –Т.: 2001. 35-б.; [5]. Шавгулидзе Т. Аффект и уголовная ответственность. Тбилиси, 1973. 49-б. (Бастаева А.Г.нинг «Хуқук-Право-Law» журнали 80-бетдаги илмий мақоласидан олинди); [6]. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. –Т.: 1997. 137-б.; [7]. Бородин С.В. Квалификация против жизни личности. –М.: 1977. 41-114-б. (О.Зокированинг «Қонун ҳимоясида» журналининг 2002 йил 5-сон, 29-бетдаги илмий мақоласидан олинди); [8] Ваулина Т.И., Волостнов П.А. ва б. Уголовное право. Особенная часть. –М.: «Норма» 1998. –С.44.

Фуқаролик ва жиноят хуқуқи кафедраси.

Қабул қилинди:  
16.01.2004.

УДК: 894.375 (09)+323.2A

#### АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

А.Абдуллаев

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида инсонпарварлик ва юксак аҳлоқий фазилатларни тараннум этган ижодкордир.

Унинг асарларида ўз замонаси учун ҳамда ҳозирги даврда ҳам аҳамиятли бўлган илғор ва тараққийпарвар, инсонийлик руҳи билан сугорилган ижтимоий-сиёсий ғоялар мавжуд. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, мамлакатда тартиб-қоидаларни ўрнатиш, юрт бирлигини асраш, ортиқча солиқларга қарши курашиш, давлатни идора қилиш усууллари, амир ва беклар ўртасидаги ҳокимият учун олиб борилган ўзаро курашларга йўл қўймаслик, ободончилик ишларини ривожлантириш, болаларга таълим-тарбия бериш

ҳақидаги Навоийнинг фикрлари унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Дунёдаги барча нарсаларнинг «шарифи», моддий неъматларнинг ижодкори, бекиёс олий қадрият ҳисобланмиш инсон, унинг маънавий, ижодий кучи ва қобилияти, сермаҳсул меҳнати Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фоялари тараннуимида асосий ўринни эгаллайди.

Навоий давлат раҳбари доимо «халқ ғами» билан яшashi, муруват ҳокимият эгаси бўлиши, ободончилик учун жон куйдирадиган юксак ахлоқли, халқчил ва инсонпарвар бўлиши кераклигини кўп маротаба таъкидлайди. Шоир раҳбарнинг вазифаларини санаб ўтади ва у ақлли, доно, адолатпеша, узоқни кўра биладиган шахс бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Ҳақки, солиб сояи раъфат санга,  
Рўзи этиб тахти хилофат санга.  
Лек бу иқболнинг ўтрусида,  
Бўйла бийик мартаба қаршусида  
Амр қилибдур неча хизмат санга,  
Рўзи этибдур неча санъат санга [3].

Маъноси: Худо сенга меҳрибонлик соясини солиб, ҳукмронлик тахтини раво кўрди. Лекин бундай баҳтнинг рўпарасида, бундай буюк мартабанинг қаршисида у сенга бир неча вазифасини топширган, бир неча санъатларни ҳам насиб этган.

Давлат раҳбарига вазифа сифатида эса мутафаккир қўйидагиларни белгилайди:

- Халқни хуррам тутиш;
- чўпон бир неча ой йиллар ўз қўйларини оч бўридан асрагани сингари, боғбон ўз боғидаги гулзор ва дараҳтларни куну-тун парваришлагани каби инсонларга муносабатда бўлиш;
- маданият ва маърифатни ривожлантириш;
- халқнинг фаровонлиги, тинчлиги ва юртнинг ободончилиги масалаларига доимий эътибор қаратиш;
- халқка зулм ўтказмаслик;
- адолатли бўлиш;
- кишиларга меҳр кўрсатиш ва доимий уларга яхши муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Буюк шоир:  
Шохки, ишқ адл ила бунёд этар,  
Адл бузуқ мулкни обод этар.  
Адл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элин шод қил [4]

каби мисралари билан мамлакат раҳбарини, ўз замондошларини эзгуликка ва яхши хулқ соҳиби бўлишига даъват этади.

Умумий тарзда буюк шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланиш жараёнини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр, Алишернинг ёшлик йилларидан то вазирлик лавозимидан истеъфога чиққунгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу даврда у мамлакатда баҳтли жамият ўрнатилишига, юртда тинчлик таъминланиб, ободончилик ишлари ривожланишига, адолатсиз подшо ўрнига адолатли подшо келишига ишонади ва давлат арбоби сифатида шу мақсадлар йўлида курашади.

Иккинчи давр эса, буюк шоирнинг вазирликдан истеъфога чиққан вақтидан то умрининг охиригача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу даврда мутафаккир фақат ўз юритда эмас, балки бутун дунёда ягона марказлашган давлат бўлишларини ва унинг тепасида Искандар сингари шоҳ туришини орзу қилади. Навоийнинг ана шундай миллатлар ва эллатларнинг тенг ва озод бўлишлиги ҳақидаги ижтимоий-сиёсий фикрлари унинг «Садди Искандарий» достонида батафсил баён этилади.

Алишер Навоий ҳаётда ҳам, ижодда ҳам меҳнатни, меҳнат кишисини улуғлади. Унинг фикрича, меҳнат инсонни безатувчи фазилатлардан бири

ҳисобланади. Асосий моддий бойликларни яратувчи дехқон, ҳунарманд ва чорвадор жамият равнақига катта ҳисса қўшади. Ўзининг «Маҳбубул-қулуб» асарида барча инсонларга ҳам, жониворларга ҳам озиқ-овқат, ризқ-рӯз этишириб берувчи – бу меҳнаткаш дехқондир деб таъриф беради.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фояларида адолат масаласи алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Чунки у доимо адолат тарафдори бўлиб, қатор асарларида бу ҳақдаги фикрларини баён этади.

Адолатли шоҳ, адолатга асосланган мамлакат тўғрисидаги буюк шоирнинг фоялари, бошқача қилиб айтганда, жамиятда қонун ва қонунчилик устивор бўлиши керак деган хуносанинг айнан ўзидир. Ўзбекистон Республикаси ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олишида асосий негиз ҳисобланган «беш тамойил» нинг бири ҳим «жамиятда қонуннинг устиворлиги» деб аталади. Бу тамойилнинг тарихий илдизлари Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фояларида ҳам ўз кўринишига эга бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Юрт тинчлиги, мамлакат ободончилиги, ҳалқ фаровонлиги, дўстлик, инсонпарварлик, одамийлик, ахлоқ, сиёsat, муҳаббат, меҳнат ҳақидаги фоялар Навоий асарларида асосий мавзу ҳисобланади. Демак, унинг ижоди Ўзбекистонда яратилаётган миллий мафкура ва миллий фояларнинг манбай сифатида ҳам аҳамиятлидир.

#### АДАБИЁТЛАР

[1]. Левитин Л., Карлайл. Ислом Каримов –Янги Ўзбекистон Президенти. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 157-б.; [2]. «Шарқ машъали» журнали. 2001. 1-2сонлар, 9-б.; [3]. Навоий А.Хайратул аброр. –Т.: Фофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998. 46,47,48-б.; [4]. Навоий А.Хайратул аброр. –Т.: Фофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998. 136-б.

Миллий истиқлол фояси  
ва ҳукуқ кафедраси.

Қабул қилинди:  
10.04.2003.